

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди**

№ \_\_\_\_\_  
201\_\_ йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирининг  
201\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги  
\_\_ - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.

**“Журналистика (фаолият турлари бўйича)”**  
йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

**Тошкент – 2015**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ**  
**КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ**  
**ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус,  
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалар  
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
201\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли баённомаси билан  
маъқулланган.*

Тузувчилар: “Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”  
модули: с.ф.д., проф.И.Эргашев, ю.ф.н., доц.  
В.Топилдиев.  
“Илғор таълим технологиялари ва педагогик  
маҳорат” модули : п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н.  
М.Т.Мирсолиева, п.ф.н. доц. М.Усманбаева, А.Исянова.  
“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация  
технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н., доц.  
Х.Холмедов, ф-м.ф.н, доц. Д.Иргашева,  
кат. ўқит. В. Ҳамидов.  
“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги  
Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат.  
ўқит. У.Гиясова.  
“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари”  
модули: с.ф.д., проф. С.Жўраев, т.ф.д.,  
проф.С.Абдурахимов, пс.ф.н. Х.М.Алимов.  
**Махсус фанлар бўйича:**  
ф.ф.д. Я.М.Маматова, ф.ф.н., доц. Ш.М.Ибрагимов,  
т.ф.н. доц. М.М.Хусанов.

Такризчилар: ф.ф.д. проф. Ф.А.Мўминов  
ф.ф.н. доц. Л.Тошмухаммедова

Ўқув дастури ЎзМУ Илмий кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2015  
йил \_\_\_\_\_ даги - сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

### **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари.
- 2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.
- 2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

- 3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.
- 3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

## **IV. Амалий хорижий тил**

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

- 5.1. Тизимли таҳлил асослари.
- 5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

## **VI. Махсус фанлар**

- 6.1. Журналистика фанининг ривожланиш стратегияси ва илмий-назарий тараққиёти.
- 6.2. Аудиовизуал журналистика масалалари.
- 6.3. Оммавий коммуникация соҳасининг ривожланиш тенденциялари.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

**“Журналистика (фаолият турлари бўйича)”** йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Журналистика (фаолият турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **• Тингловчи:**

- журналистика назарияси ва амалиётининг тушунча ва терминлар изоҳига янги ёндашувлар моҳиятини;

- журналистика ва ахборот соҳасида эришилган янги илмий натижалар, яратилган илмий адабиётларни;

- оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимидаги ўзгаришларни ва уларнинг соҳа тараққиётига таъсирини;

- журналистика ва ахборот соҳасида замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш тамойиллари ва мезонларини;

- журналистика ва ахборот соҳаси фанларини ўқитишда сўнгги йилларда эришилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда инновацион технологияларни;

- журналистика тарихи, назарияси ва амалиётининг асосий тамойилларига таяниб, миллий журналистиканинг ривожланиши истиқболларини;

- республика ва хорижда журналистика соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини;

- журналистика жанрларининг эволюцияси ва ривожланиш тенденцияларини;

- журналистика ва ахборот соҳасидаги жаҳондаги йирик илмий мактаблар фаолиятини;

- журналистика ва ахборот соҳасида яратилган электрон ўқув қўлланмаларни;

- журналистика ва ахборот соҳасига доир замонавий техник ва технологик воситаларни;
- журналистика ва ахборот соҳасига доир хорижий тиллардаги манбаларни;
- журналистика ва ахборот соҳасидаги ўзгаришларни;
- журналистика ва ахборот соҳасидаги инновацияларни;
- журналистика ва ахборот соҳасида илмий-тадқиқотларни;
- журналистика ва публицистика асарларини таҳлил қилиш ва уларда маҳорат қирралари, тамойиллари ва мезонларини;
- журналистика ва ахборот соҳасининг мумтоз ва замонавий йўналишлари ва оқимларини;
- мутахассислик фанларининг тарихий ва замонавий концепцияларини;
- ихтисослик фанларини ўқитишда турли кўргазмали воситаларни **билиши керак.**

- **Тингловчи:**

- журналистика ва ахборот соҳасида эришилган янги илмий натижалар, яратилган илмий адабиётларни билиш;
- оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимидаги ўзгаришларни ва уларнинг соҳа тараққиётига таъсирини билиш;
- журналистика ва ахборот соҳасида замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш тамойиллари ва мезонларини билиш;
- журналистика ва ахборот соҳаси фанларини ўқитишда сўнгги йилларда эришилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда инновацион технологияларни қўллаш олиш;
- журналистика тарихи, назарияси ва амалиётининг асосий тамойилларига таяниб, миллий журналистиканинг ривожланиши истиқболларини прогноз қилиш;
- республика ва хорижда журналистика соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини билиш, таҳлил қилиш ва касбий таълим фаолиятида қўллаш олиш;
- журналистика жанрларининг эволюцияси ва ривожланиш тенденцияларини билиш ва касбий фаолиятга татбиқ этиш;
- журналистика ва ахборот соҳасидаги жаҳондаги йирик илмий мактаблар фаолиятини билиш ва таҳлил қилиш;
- журналистика ва ахборот соҳасида яратилган электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш;
- замонавий техник ва технологик воситаларни журналистика ва ахборот соҳасида қўллаш;
- журналистика ва ахборот соҳасига доир хорижий тиллардаги манбалардан фойдалана олиш;
- журналистика ва ахборот соҳасига доир муайян мавзуда хорижий тилларда сўзлай олиш;

- журналистика ва ахборот соҳасидаги ўзгаришларни педагогик фаолиятга татбиқ этиш;

- журналистика ва ахборот соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот фаолиятига ва ўқув жараёнига татбиқ этиш;

- журналистика ва ахборот соҳасида илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиб, касбий ва педагогик фаолиятга татбиқ этиш;

- миллий журналистика соҳаларини ривожланиш истиқболларини белгилаш ва медиасаводхонликни ошириш;

- журналистика ва публицистика асарларини таҳлил қилиш ва уларда маҳорат қирралари, тамойиллари ва мезонларини билиш;

- журналистика ва ахборот соҳасининг мумтоз ва замонавий йўналишлари ва оқимларини билиш;

- мутахассислик фанларининг тарихий ва замонавий концепцияларини билиш;

- журналистика ва ахборот соҳаси фанларини ўқитишда замонавий технологиялар ва техник жиҳозлар асосида турли кўринишдаги машғулот ва тренинглар ўтказиш;

- ихтисослик фанларини ўқитишда турли кўرғазмали воситалардан фойдаланиш *кўникмаларига эга бўлиши лозим.*

• **Тингловчи:**

- журналистика соҳасидаги тушунча ва терминларнинг янги мазмунини ўз касбий фаолияти соҳаларида қўллаш;

- ОАВга доир қонунчиликдаги ўзгаришлар бўйича таълим хизмати кўрсатиш;

- журналистика соҳасидаги ҳозирги замон муаммоларни аниқлаш;

- миллий медиатизимлар фаолиятини такомиллаштириш усул ва воситаларини қўллаш;

- медиатаълимни ташкил этиш;

- журналистика ва ахборот соҳасида эришилган янги илмий натижалардан фойдаланиш, яратилган илмий адабиётларни ўқув жараёнига татбиқ этиш;

- оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимидаги ўзгаришларни касбий ва педагогик фаолиятга татбиқ этиш;

- журналистика ва ахборот соҳасида замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш тамойиллари ва мезонларини қўллаш;

- журналистика тарихи, назарияси ва амалиётининг асосий тамойилларига таяниб, миллий журналистиканинг ривожланиши истиқболларини белгилаш;

- республика ва хорижда журналистика соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини касбий таълим фаолиятида қўллаш;

- журналистика жанрларининг эволюцияси ва ривожланиш тенденцияларини касбий фаолиятга татбиқ этиш;
- журналистика ва ахборот соҳасидаги жаҳондаги йирик илмий мактаблар фаолиятини қиёсий таҳлил қилиш;
- журналистика ва ахборот соҳасида яратилган электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш;
- журналистика ва ахборот соҳасига доир хорижий тиллардаги манбалардан фойдаланиш;
- журналистика ва ахборот соҳасига доир муайян мавзуда хорижий тилларда сўзлай олиш;
- журналистика ва ахборот соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот фаолиятига ва ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- журналистика ва ахборот соҳасида илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини касбий ва педагогик фаолиятга татбиқ этиш;
- ОАВ ходимлари медиасаводхонлигини ошириш тамойилларини қўллаш;
- журналистика ва публицистика асарларини таҳлил қилиш;
- мутахассислик фанларининг тарихий ва замонавий концепцияларидан фойдаланиш;
- журналистика ва ахборот соҳаси фанларини ўқитишда замонавий технологиялар ва техник жихозлар асосида турли кўринишдаги машгулот ва тренинглар ўтказиш;
- ихтисослик фанларини ўқитишда турли кўргазмали воситалардан фойдаланиш *малакаларига эга бўлиши зарур.*

• **Тингловчи:**

- журналистика фанининг асосий тушунча ва терминларини қўллашда ижтимоий ўзаро таъсир кўрсатиш;
- журналистика фани доирасидаги масалалар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- жаҳон ва миллий медиатизимлар фаолияти бўйича хулосалар бериш;
- миллий медиамакон самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- медиатаълимни ташкил қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- журналистика ва ахборот соҳасининг турли йўналишлари тараққиётини таъминловчи илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- журналистика ва ахборот соҳасининг долзарб масалалари мазмуни ва қўламини англаш ва тушунтириш;
- журналистика ва ахборот соҳаси ривожланишининг истиқболли режаларини тузишда иштирок этиш;
- журналистика ва ахборот соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ўқув жараёнини такомиллаштиришда иштирок этиш *компетенцияларига эга бўлиши лозим.*



## **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“Журналистика (фаолият турлари бўйича)” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

### **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

#### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари.**

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истикболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир” ва бошқа асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

#### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан

Ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари.**

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари. Очиқ маъруза, амалий машғулотларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, табақалаштирилган ўқитиш ҳамда интерфаол таълим

методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш. Электрон ўқув модуллари. Силлабус, кейслар банкини яратишга қўйиладиган дидактик талаблар.

## **2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.**

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

## **2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.**

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация-таълимда натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Талабалар билиминини баҳолашнинг ассесмент технологиялари.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

### **3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.**

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиялар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа

соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Мультимедиали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар).

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиали маърузалар категориялари, Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралик ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий онлайн очиқ курслар (Soursera, edX, Khan akademiyasi, MIT Open Course Ware).

### **3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.**

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараёни лойиҳалаштириш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар ҳимоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида ҳимоялаш. Ҳимоялаш воситалари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг мазмуни. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ҳамда тилга оид билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш усуллари.

Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари: коммуникатив, интерактив мулоқот, вазиятли-иммитацион ўйинлар, дебатлар, аудио-визуал усуллар ва Интернет ресурслари.

Тилни муваффақиятли ўзлаштириш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ.

Хорижий тилни ўрганишда нутқ фаолияти турлари (ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув) бўйича компетенцияларни ривожлантириш усуллари.

Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

### **5.1. Тизимли таҳлил асослари.**

Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услуб ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли таҳлили.

### **5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.**

Комплекс қарорлар чиқаришда тизимли таҳлил хусусиятлари. Қарорлар қабул қилишнинг асосий қоидалари ва таснифи. Қарор қабул қилиш даражалари. Қарор қабул қилиш босқичлари. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Ўқув жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари. Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари.

Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш таърибаси. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг ахборот таъминоти.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Журналистика фанининг ривожланиш стратегияси ва илмий-назарий тараққиёти.**

Ахборот жамиятининг медиамодели. Журналистика ва коммуникация соҳасидаги асосий тушунча ва истилоҳларга ёндашувларнинг ўзгариши. Асосий тушунча ва терминларнинг турли парадигмалардаги таърифи. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ахборот соҳасини ислоҳ қилишга доир қарашлари. Ўзбекистон Республикаси ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий асосларидаги ўзгаришлар мазмуни ва аҳамияти. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда ОАВнинг ўрни.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида медиаларнинг тараққиёти ва уларнинг ижтимоий институтлар билан муносабатлари. Медиалар ривожланишида ҳудудий, демографик, ижтимоий-иқтисодий омиллар аҳамияти. Турли ҳудудлардаги медиамакон имкониятлари.

Медиадизайн медиаматн унсури сифатида. Медиадизайннинг интертекстуаллиги. Графикадан график дизайнга. Мультимедиаларнинг медиадизайндаги ўрни. Ўзбекистон медиамаконидаги дизайн моделлари ва тамойиллари.

Медиатаълим мазмуни ва таркиби. Ўзбекистонда фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда медиалар аҳамияти. Медиамаданият ва медиатеchnологиялар таркиби. Ижтимоий тармоқлар ҳозирги замон фуқаролик жамиятининг таркибий унсури сифатида. Блогерлик фуқаролик журналистикаси кўриниши сифатида. Рақамли муҳитда фуқаролик иловалари. Фуқаролик иловалар ва профессионал журналистика: муаммолар доираси. Медиатаълимни таъминлашда ижтимоий шериклик аҳамияти.

### **6.2. Аудиовизуал журналистика масалалари.**

Замонавий аудиовизуал журналистика таркиби ва йўналишлари. Аудиовизуал ОАВ тараққиётида янги ахборот технологияларнинг аҳамияти. Рақамлаштирилган аудиовизуал ОАВ тараққиёти. Аудиовизуал журналистиканинг синтетик табиати. Аудиовизуал журналистикада маҳорат масалалари. Жаҳон аудиовизуал журналистикаси.

### **6.3. Оммавий коммуникация соҳасининг ривожланиш тенденциялари.**

Оммавий ахборот воситалари муаммолари. Оммавий ахборот воситаларини сациологик усуллар орқали ўрганиш. Оммавий ахборот воситалари психологияси. Жаҳон оммавий ахборот воситалари тенденциялари. Журналистнинг касбий ахлоқий меъёрлари. Жамоатчилик билан алоқалар асослари. Оммавий ахборот воситаларида рекламанинг тутган ўрни.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модуллариининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модуллариининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Силлабус;

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи кўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модуллариини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимида киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модуллارни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.



## Адабиётлар

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». – Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
5. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
6. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.- Т.: Ўзбекистон. 2009.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси // Халқ сўзи, 2010, 13 ноябрь.
- 8.Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.
9. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2011. – 320 б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон халқига тинчлик ва омонлик керак. Т.21. – Т.: Ўзбекистон, 2013.
- 11.Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар - биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини

ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

6. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2014 йил 5 майда қабул қилинган. // Халқ сўзи, 2014, 6 май.

3. Ижтимоий шериклик тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган. //Халқ сўзи, 2014, 26 сентябр.

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган. //Халқ сўзи, 2014, 4 декабр.

5. Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган // //Халқ сўзи, 2014, 5 сентябр.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.

3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ,2010. 662с.

4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.

5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.

6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.

7. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

8. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.

9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие.М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана.2002.-336с.

10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. - 656 с.

11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса»,2000.–17с.

12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
16. Волкова В.В., сост. Дизайн периодических изданий. Учеб.пособие. -М.: МГУ, 2014.
17. Волкова В.В Специфика медиадизайна. Вестник Московского университета. Сер.10.Журналистика, 2014,№4.
- 18.Смирнова О.В. Стратегия печатных медиа в эпоху цифровых технологий // Вестник Московского университета. Сер.10. Журналистика, 2013, №6.
19. Маматова Я.М., Сулайманова С.Р. Ўзбекистон медиатаълим таракқиёти йўлида. Ўқув кўлланма – Т.:ЮНЕСКО, 2015.
- 20.Фролова С. Практика гражданских коммуникаций в цифровой среде: опыт систематизации. // Вестник Московского университета, Сер.10.Журналистика, 2014, №2.
- 21.Свитич Л.Г. Современная периодика: поле понятий и терминов. // Вестник Московского университета. Сер.10.Журналистика, 2014, №1.
- 22.Медиа. Введение. Под ред А.Бриггза и П.Кобли. Пер.с англ. Учебник.- М.:Юнита Дана, 2005.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www. Ziyonet. uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www. edu. uz](http://www. edu. uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www. nuuz.uz](http://www. nuuz.uz)
5. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

